

## СУРХОНДАРЁДА ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИНING ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Пардаева Шахринисо Тураевна

*“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** Мақола Сурхондарёда ҳам Ўлкашунослик музейи ташкил қилинишининг дастлабки ҳаракатлари ва бугунги кундаги натижалари, музей ташкил қилинишида амалга оширилган ишлар, олиб борилган изланишлар, ҳисса қўнган фидойи инсонлар ва бугунги кундаги фаолияти тўғрисида қисқача ёзилди.

**Annotation:** The article was briefly written about the initial actions of the establishment of the Museum of Local History in Surkhandarya and its current results, the works carried out during the establishment of the museum, the conducted research, dedicated people who contributed and its activities today.

**Калит сўзлар:** Музей, Европа, Термиз, Тешиктош ёри, Заратсой, Мачай ёри, қўлёзма асарлар, кутубхона, тадқиқотчи, қурултой, ҳарбий қалъа.

**Key words:** Museum, Europe, Termiz, Teshiktosh cave, Zarautsoy, Machai cave, manuscripts, library, researcher, convention, military fortress.

Музейлар ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, айниқса, бугунги глобаллашув даврида унинг аҳамияти вақт ўтгани сайин ўсиб бораётган масканлардан бири ҳисобланади. Бевосита музейларнинг тарихий муаммоларни ҳал этишдаги, шу билан бирга мамлакатнинг келажакдаги пойдеворини мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёс. Музейлар тарихий, моддий, маънавий ёдгорликларни тўпловчи, сақловчи, таҳлил ва тарғиб этувчи илмий-маърифий муассаса ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, музей- кўп функцияли, тарихий жараёнларни ўзида акс эттирувчи ахборот институтидир. Маълумки, музейшунослик илми аввал Европа мамлакатларида пайдо бўлган. Бу борада 15-16 асрларда амалга оширилган буюк географик кашфиётларнинг таъсири кучли. Европаликларнинг янги ҳудудларда кўрган ноёб буюмлари кейинчалик уларнинг катта қизиқишларига сабаб бўлди ҳамда илм аҳлини ўзига жалб эта бошлади. 17-18 асрларга келиб эса Италия, Германия, Франция ва кейинчалик Россияда музейшунослик илми ривожланди. Мамлакатимиз тарихига юзланганимизда бу борада дастлаб рус шарқшунос олимлари қизиқа бошлаганлигининг гувоҳи бўламиз. Даставвал, рус тадқиқотчилари Марказий Осиёнинг қўлёзма асарларини йиғишга киришган. Қимматбаҳо асарларнинг катта тўпламлари собиқ тузум даврида марказга юборилар эди. Бу каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор олимларнинг ҳаракатлари натижасида 1870 йил Марказий Осиёда ягона Туркистон Халқ кутубхонаси ташкил этилган. Кутубхона мусодара қилинган маҳаллий аҳоли шахсий кутубхоналари ҳисобига янада кенгайтирилган. 1876 йилга келганда 2300 дан ортиқ экспонатларига эга дастлабки музей Туркистон

Халқ музейи ташкил қилинган. Бу музейнинг ташкил қилиниши мамлакатимизда музейшунослик соҳаси ҳамда айниқса, ўлкашунослик илмининг ривожланишида пойдевор вазифасини бажарган. Шунингдек Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси саналган Сурхон замини ва унинг маркази бўлган Термиз шаҳри ҳам ўзининг қадим тарихи, бебаҳо моддий ва маънавий маданияти билан ватанимиз тарихида муҳим ўрин тутадиган масканлардан бири саналади. Чунки ушбу минтақа инсоният тарихининг муҳим маконларидан бири сифатида қадим даврларданоқ инсониятга бешик бўлган илк тасвирий санъат, илк ёзув, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги, минтақадаги дастлабки шаҳарсозлик ана шу заминда қарор топган. Қолаверса, жаҳон динлари саналган буддавийлик ва ислом динининг юксалишида ҳам Сурхон заминининг ўрни беқиёс<sup>110</sup>.

Тарих зарварақларига юзланганимизда эски Термиз шаҳри азал-азалдан тарихчи, археолог ва сайёҳларнинг диққат эътиборини ўзига тортиб келган шаҳарлардан бири эканлигини гувоҳи бўламиз. Термиз шаҳрида бугунги кунга қадар ҳам кўплаб изланишлар олиб борилган. Изланишлар натижасида шу ҳудуддан топилган топилмалар воҳамизда музей ташкил қилинишига туртки бўлди. Термизда музей ташкил этилишининг дастлабки ҳаракатлари бундан анча йиллар олдин бошланган. Изланишлар натижасида топилган дастлабки коллекциялар 1875-1879 йилларда Амударё бўйидаги тарихий ёдгорликлардан топилган. Бу тарихий ёдгорликларнинг тўпланишига ўша вақтда Н.А. Маев бошчилик қилган. Худди мана шундай тўпланган коллекциялар қаторига Г.Бонвало, Э.Ф.Кал, Т.Пословский, Ф.Б.Вревский, Б.Н.Литвинов, А.А.Семёнов, Б.Н.Касталскийлар томонидан йиғилган коллекцияларни ҳам киритиш мумкин. Ўша вақтларда Термиздан кўплаб нодир ашёлар топилган бўлиб, асраб сақлаб қолинмаган. Топилмалар шу вақтнинг ўзидаёқ Россия шаҳарларига олиб кетилган. Масалан: Термиздаги Строганов номидаги ҳарбий билим юрти қошида ташкил этилган музейнинг эски Термиз тарихига доир буюмлари 1904 йилда Москва Шарқ маданияти музейига бериб юборилган. Шунингдек эски Термиз ҳудудидан бу каби кўплаб нодир хом-ашёлар 1908-1914 йилларда Виноградов, Логофет, Кастановлар томонидан Тошкентдаги рус музейларига топширилган. Тасвирий санъат намоёндалари 1905-1915 йилларда маҳаллий суратчи Темяминов ва 1887-1905 йилларда Максимов томонидан Чор Россиясининг босқинчилигига доир расмлар, ўша вақтдаги тарихий обидаларнинг кўринишлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотоалбомлар ҳам Россия ҳукуматига тақдим этилган. Инглиз сайёҳи Делари томонидан ҳам 1914 йилларда Термиздан жуда катта миқдордаги антик давр тарихига доир кумуш ва мис тангалар олиб кетилган. Ўша даврларда бирон киши томонидан бу каби ноёб топилмаларни сақлаб қолишга, асраб авайлаб келгуси авлод учун музейлар ташкил қилиш каби ишларга масъулият билан ёндашилмаган. Бу каби воҳамиз ҳудудидан топилиб чет давлатларга чиқиб

<sup>110</sup> Саодат Иноятова. Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи-мозий кўзгуси (лавҳалар). “Сурхон-Нашр” нашриёти 2019.

кетган ёдгорликлар рўйхати илк бор Парфёнов (Ўлкашунослик музейининг биринчи директори) томонидан тузиб чиқилган. Унга кўра: Касталский томонидан тўпланган коллекциялар –Парижга, Логофит томонидан тўпланган коллекциялар-Москвага, Касталский ва Каллар томонидан тўпланган коллекциялар-Москва Шарқ маданияти музейи ва Ленинграддаги давлат эрмитажига, нефрит тошларидан иборат коллекциялар Мушкетов томонидан Ленинград геология музейига топширилган. Термиз шаҳрида музей ташкил қилишнинг асосий сабабларидан бири рус империяси томонидан Термизнинг ишғол қилиниши эди. Рус империяси томонидан Термиз ишғол қилинган Амударё бўйлаб Паттакесарда жойлашган ҳарбий чегара қўшин бригадаси томонидан сим тўсиқлар Қарши шаҳридан Термизгача тортиб чиқилади. Шу вақтда чегара ҳудудларидан кўплаб ноёб тарихий буюмлар топилади ва Термиздаги чегара бригадасига қарашли зобитлар уйда тўплана бошлайди. Кейинчалик ушбу бинода тўпланган ашёлар асосида ёпиқ музей очилади. Бу ёпиқ музей 1917 йилга қадар фаолият юритиб шундан сўнг музейдаги ашёлар номалум томонга олиб кетилади. Эски Термиз ҳудудида 1926-1928 йилларда Деники бошчилигида Москва Шарқ маданияти музейи ходимлари 9-12 асрларга хос бўлган Термизшоҳлар саройлари харобаларида археологик тадқиқот ишларини ўтказдилар. Ўша вақтда Термиз шаҳридаги метериология станциясининг бошлиғи Б.К.Лелонг бўлиб унинг таклифига кўра 1928 йилларда ўлкашунослик тўғарагини тузиш ҳақида йиғилиш бўлиб ўтади. Йиғилиш натижаси ижобий бўлиб, тўгаракка Лелонг раҳбар этиб сайланади. Аммо Лелонгнинг бевақт вафотидан сўнг ишлар тўхтаб қолади. 1932 йилга келиб Парфёновнинг саъй-ҳаракати билан Шеробод тумани марказида туманлар аро кўргазма очилади ва шу асосда 1932 йил 7 ноябрда Шеробод тумани Ўлкашунослик музейи очилади ва 1933 йил 7 сентябрга қадар тўгарак ўз фаолиятини давом эттиради. 1930 йилнинг 1 декабрида Москвада ўтказилган музей ходимларининг 1 қурултойи музей соҳасидаги тўб бурилишларга олиб келди. Қурултойда музей ишларини ривожлантириш ҳамда музей кадрларини тайёрлаш масаласи кўриб чиқилган. Орадан вақт ўтиб Тошкент шаҳрида 1933 йилнинг июнь ойида Республика музейлар конференцияси бўлиб ўтади. Конференцияда Қарши, Термиз ва Хива шаҳарларида музейлар ташкил этиш ҳақидаги таклифлар билдирилади ва бу таклифлар бир овоздан қатнашчилар томонидан маъқулланади. Термиз шаҳрида ташкил қилинган музейга Парфёнов раҳбар қилиб сайланади<sup>111</sup>.

Ушбу ташкил қилинган музей аввалига “Советлар даври Сурхондарё вилояти ютуқлар кўргазмаси” деб аталган. 1933 йилнинг 7 ноябрь кунидан бошлаб “Термиз шаҳрида Сурхондарё давлат туманлараро музейи” деб номлана бошланган. Музей ташкил қилинган вақтда 3 та ходим фаолият юритар эди. Музейга кириб томоша қилиш барча учун бепул бўлган. Музей ходимлари ва мактаб ўқувчиларининг фаол

<sup>111</sup> И.Т.Ботиров. Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи тарихи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. Тошкент -2011.

иштирокида 1934 йилнинг май ойларига келиб музей ҳовлисида ноёб ҳайвон турларидан иборат тирик бурчак ташкил қилинади. Кун сайин тирик бурчакда сақланаётган ҳайвон турлари ва сони ошиб бораверади. Натижада ҳайвонлар озқаси тақчилланиб музейга ташриф буюрган томошабинларга пуллик хизмат жорий қилинади. 1934 йилнинг 2 июлидан бошлаб барча учун пуллик хизмат ташкил қилинади. Музейда бу жараён 1939 йилга қадар давом эттирилади. Ўтказилган йиллар давомида ҳайвонлар сони ва турлари кундан-кунга ошиб бораверади ва музей ҳовлисига сиғмай бошлайди. Натижада 1939 йилда тирик бурчакда сақланаётган ҳайвонлар алоҳида ажратилиб Термиз ҳайвонот боғи сифатида музейдан ажралиб чиқади ва ўз фаолиятини Термиз шаҳрида жойлашган Нариманский кўчасидан ажратилган ҳудудда давом эттиради. Шунингдек Термиз Ахеология музейи 2002 йилда “Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги” муносабати билан Ўлкашунослик музейи негизидан ажралиб алоҳида фаолият юрита бошлаган. 1933 йилларда музей ташкил қилинган экспонатлар сонини кўпайтириб бориш мақсадида комессия музейда қишлоқ хўжалиги ташкил қилиш ва у ерда ҳамда вилоятдаги барча туманларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар олиб музейга келтириш ҳақидаги қарорни қабул қилган. Шунингдек шу йиллари кўплаб экспедициялар изланишлар олиб боришган. Топилмаларнинг барчаси музейга экспонат сифатида қабул қилинган. Дастлабки топилмалар Зараутсой камарларига битилган рангли сурат намуналари, тошдан ва суюқдан ясалган меҳнат қуроллари бўлиб Тешиктош, Мачай ва А.Темур ғоридан топилган. Зараутсой камарларига битилан рангли сурат намуналари 1940 йилда Парфёнов раҳбарлигида Сурхондарё давлат туманлараро музейи, Ўзбекистон санъати тарихи музейи ва Тожикистон Республикаси Панжикент тумани Ўлкашунослик музейи ҳамкорлигида Зараутсой ҳудудида олиб борилган экспедиция жараёнида ўрганилган<sup>112 3</sup>.

Илк экспедицияларнинг мазмуни Эски Термиз ҳудудидаги ёдгорликларни теварак атрофини тозалаш ҳамда уларни очишдан иборат бўлган. Бу ишларга Г.В.Парфёнов ва Г.Н.Максимовлар етакчилик қилишган. Биринчи экспедиция мўлжали Эски Термиздаги Кушон подшолиги даврига оид Қоратепа бўлган. Археологик изланишлар натижасида иботадхона ғорлари очилиб, кўпгина меъморий, нумизматик ва терракотик ҳайкалчалари топилмалари қўлга киритилган. Археолог А.П.Окладников раҳбарлигида Тешиктош ғорида амалга оширилган қазув ишлари давомида бизга ҳозирги кунда аниқ бўлган 8-9 яшар неандертал қиз бола суюқ қолдиқлари ҳамда жами 12665 дона топилмалар рўйхатга олинган. 1938 йилнинг 10 августидан 10 сентябрга қадар Г.В.Парфёнов бошчилигида Бойсундаги яна бир ёдгорлик-Мачай ғорида бир ойлик экспедиция олиб борилган. Қазув ишлари натижасида қадимги инсон суюқларининг яна бир намунаси топилган. Музей

<sup>112</sup> Абдулла Холмирзаев. Зараутсой тилсимлари. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2003.

фаолиятининг йиллар давомида ривожланиб боришида кўплаб изланувчан, ташаббускор ва фидоий инсонларнинг меҳнатлари беқиёс. Ҳозирги кунга қадар музей фаолиятини ривожлантириш ишларида кўплаб фидоий инсонлар музей фаолиятида раҳбарлик қилиб, ўзларининг фидокорона меҳнатларини аямаганлар. Бу даргоҳда биринчи бўлиб Г.Б.Парфёнов (1933-1948 йиллар), Р.Ф.Фаёзов (1948-1972 йиллар), И.Исмоилов (1972-1984 йиллар), Ҳ.Саидов (1985-1997 йилларда), Жўраева (1997-1998 йилларда), И.Ботиров (1998-2001 йилларда), Р.Умбаров (2002-2012 йилларда), Ш.Даминов (2012-2017 йилларда), С.Иноятова (2018-2020 йилларда) ва Б.Зулфикаров(ҳозирги кунда)лар раҳбарлик фаолиятида ишлаб келган<sup>113</sup>.

Вилоят Ўлкашунослик музейи номи 2017 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 975-сон қарори билан Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи номи билан ўзгартирилди<sup>114</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443 - сон қарорига асосан “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи негизида ташкил килинган ва Термиз тумани ҳудудида жойлашган Зурмала минораси, Шеробод туманидаги Зараутсой, Жарқўрғон туманидаги Жарқўрғон минораси, Термиз туманидаги эски Термиз (Чингизтепа), Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ва Музработ туманида жойлашган Кампиртепа (Окс Александрияси) моддий маданий мерос объектлари бириктириб берилган<sup>115</sup>.<sup>6</sup> Ҳозирги вақтда “Термиз” давлат музей-қўриқхонасининг фондида 61 мингдан ортиқ экспонат сақланиб келинмоқда. Табиат, этнография, халқ хўжалиги, археология ва тасвирий санъат юналишидаги музей-ашёлари намоишга қўйилган. Ҳозирда “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси жиҳозланиш бўйича республика музейлари ичида ягона ҳисобланади. Музей қўриқхонасининг ҳар бир қавати чет элдан келтирилган инфокиосклар ва проекторлар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бир қаватдаги инфокиоскларга воҳа тарихи, тасвирий санъати, аънаналари ва бошқа турдаги ведиороликлар жойлаштирилган бўлиб ташрифчилар ўзлари учун керакли маълумотларни олишлари мумкин.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Саодат Иноятова. Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи-мозий кўзгуси (лавҳалар). “Сурхон-Нашр” нашриёти 2019.

<sup>113</sup> Музейни томоша қилувчиларга йўлланма. Сурхондарё вилоят Ўлкашунослик музейи 60 йиллиги. Термиз шаҳри . 1993 йил.

<sup>114</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 975-сон қарори.

<sup>115</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ” ПҚ – 4068 - сон қарори ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443 сон қарори.

2. И.Т.Ботиров. Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи тарихи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. Тошкент -2011.

3. Абдулла Холмирзаев. Зараутсой тилсимлари. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2003.

4. Музейни томоша қилувчиларга йўлланма. Сурхондарё вилоят Ўлкашунослик музейи 60 йиллиги. Термиз шаҳри . 1993 йил.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 975-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ” ПҚ – 4068 - сон қарори ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443 сон қарори.